

МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРДА ИРҚИЙ МАСАЛА

Г.Джўраева, Х.Атаева (СамДАҚИ)

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё халқлари ўтмиши ҳақида фикр билдирилганда ирқий масалада ҳам ҳар хил мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, ўтган асрнинг иккинчи яримидан ҳозирги даврларгача олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, ўзбек ва тожикларнинг ўтмиш аجدоди таркибида европоид ирқнинг ўзига хос помир-фарғона пушти ҳам бўлган. Бунга далил сифатида энг қадимги мустъе даврига оид боланинг суяк қолдиқлари Бойсундаги Тешиктош ғорида топилишидир. Бундай ирққа ўхшаш типлар Ўрта Ер денгизи, Олд ва Жанубий Осиёнинг айрим районларида ҳам топилган эди. Бу шундан далолат берадики, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон археологик ва палеантропологик тадқиқотлар маълумотига кўра, инсоният тарихий тараққиётининг энг илк даврларидан бошлаб аجدодларимиз Олд Осиё билан ҳам тарихий-маданий ва этногенетик жиҳатдан боғлиқ бўлган. Чунончи палеолит давридан бошлаб Олд Осиёликлар Ўрта Осиёга кўча бошлаган. Бунга Мочай ғоридан топилган (милоддан аввалги VII-VI минг йилликлар даврига хос) одам суягининг қолдиқлари ва жуда кўп моддий буюмлар далил бўлади. Бу каби далилларга ўхшаш ашёлар Тошкент, Туркистон, Жанубий Қозоғистон ва бошқа ерлардан ҳам топилган. Палеантропологик тадқиқотлар мазкур ҳудудлар аҳолиси орасида европоид ирққа мансуб элатлар ҳам яшашганини тасдиқлайди.

Т.Қ.Хўжаевнинг ёзишича, Ўзбекистонга шимолий-ғарбий томондан Европанинг юқори палеолит, мезолит ва неолит даври аҳолиси вакиллари кела бошлаган, жанубдан эса жанубий европоид типлар келиб, қадимги ватанимиз аҳолисининг маълум қисмини ташкил этган. Тахминан, ўша даврлардан ўзбек халқининг шаклланишида ўзига хос европоид ирқ ҳам асос (компонент) ҳисобланган. Шунинг учун ҳам қадимги турклардан саналган хуннлар-эфталитларни византиялик тарихчи Прокопий (VI аср) оқ танли қабилар қаторига киритган.

Темир даврига келиб (милоддан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи

яримидан) Ўзбекистон аҳоли орасида ирқий жиҳатдан анча ўзгаришлар рўй беради. Антропологик жиҳатдан монголоид элементлар таъсирида европоид ирқда ўзгаришлар юз беради. Натижада ҳозирги ўзбек ва тожиклар аجدодларида европоид ирқлари билан бирга монголоид пуштлар ҳам синга борган. Хуллас, Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам элатлар шаклланишида мураккаб этноантропологик жиҳатдан жиддий аралаш-куралаш жараён қадимдан бошланган.

Адабиётлар:

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: “Шарқ”. 2001.
2. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. –Т.: Ўзбекистон тарихи, жур. 4-сон, 2002.
3. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. -Т. Ўқитувчи, 1991.
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. 9-б.
5. История Узбекистана в источниках (составитель Лунин Б.В.). -Т.: 1984.
6. Сагдуллаев А., Костетский В. Тарих. -Т.: 2006.
7. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. -Т.: Ўқитувчи, 1992.